



ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДАГИ ЎРНИ

*Муаллиф : Мусаева Шахноза Илхом қизи ва Жисмоний ва жанговор
кафедраси катта ўқитувчиси подполковник М.У.Дўсмуродов*

Калит сўзлари: Халқаро ҳамкорлик ҳуқук, қонун қонунчилик, ҳамкорлик, принцип, норма

Анататасия : Ушбу мақолада профилактика инспекторининг соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорлиги соҳасида олиб борилаётган кенг ислохотлар, ушбу йўналишда вужудга келаётган муаммо ва камчиликлар ҳамда ушбу тушунчалар юзасидан дуч келишимиз мумкин бўлган айрим тушунчалар ва фикрларга аниқлик киритиш мақсадида ёзилди.

Abstract: This article was written in order to clarify the broad reforms that are being carried out in the field of cooperation of the preventive inspectorate with health authorities, the problems and shortcomings that arise in this direction, and some concepts and opinions that we may encounter regarding these concepts.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш фаолияти тушунчаси, мақсади ва вазифалари Профилактика инспекторининг асосий хизмат фаолият йўналишларидан бири бу – ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш ҳисобланади. Профилактика инспектори ҳар кунлик хизмат фаолияти 12 жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг муносабатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ вазифалардан ташкил топади. Профилактика инспекторлари ўз хизмат хоналарида яъни ИИО таянч пунктларида (ИИО ТП) жисмоний ва юридик шахсларни ҳамда уларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этади. Жисмоний ва юридик шахсларни ва уларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича асосий масъулият профилактика инспекторлари зиммасига юклатилади. Улар вазифасини самарали бажариш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда, энг



аввало, маҳаллада яшовчи, ўзининг ғайриижтимоий хулқатвори хавфлиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг турмуш тарзини, мавжуд муаммоларни ўрганиши зарур. Уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини сингдириши керак. Профилактика хизматининг фуқаролар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари: – фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; – аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маъмурий ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш; – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирларини кўриш; 13 – ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирларини кўриш; – жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш. Профилактика инспекторларининг хотин қизлар масалалари бўйича мутахассис билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: – хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш; – хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш; – соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чоратадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган давлат дастурлари ижросини таъминлашда иштирок этиш; – хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш; – ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатлари, нотинч оилаларнинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил этиш орқали уларни бартараф этишга оид чоратадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш; – оила қурадиган ёшларнинг оила, жамият олдидаги бурчлари ва масъулиятини англаб етишлари, мустаҳкам оила ғоясининг амалий ифодасини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш; 14 – «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуининг амалга оширилишига кўмаклашиш. – оилаларга вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик,



жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этишда, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда кўмаклашиш; – жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизлар ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш; – хорижга чиқиб кетаётган ва хориждан келаётган хотин-қизлар ҳисобини олиб бориш, уларнинг оилалари аҳволдан хабардор бўлиб туриш, хорижда ишлаб келган хотин-қизларнинг тиббий кўриқдан ўтиши ва ишга жойлашишига кўмаклашиш; – ички ишлар органлари ҳисобида турувчи хотин-қизлар билан профилактик ишларни ташкил этиш; – намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни оммалаштириш; – тўйлар ва бошқа маросимларни ихчам, кенг аҳоли манфаатларини, миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда ўтказишни хотин-қизлар ўртасида тарғиб қилиш ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш. Профилактика инспекторлари қабул қилиш жадваллари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин 15 бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади. Профилактика инспекторларига жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак. Агар шахсий қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш профилактика инспекторларининг ваколатларига кирмаса, мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтиради. Профилактика инспекторлари шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан махсус техника воситалари (аудио- ва видео ёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди. Шу ўринда мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақида



тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки, қабулга келган фуқароларнинг мурожаатлари уларнинг узвий ва асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, шахс ҳар қандай ҳолатда ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мурожаат шахснинг ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни баён этиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги мурожаати ҳисобланади. 16 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт. Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган. Профилактика инспекторлари ўз хизмат фаолиятида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишда амалдаги қонун ҳужжатларига таянади. Профилактика инспекторлари жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш давомида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг мурожаатларини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт. Профилактика инспекторлари қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ва агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборот давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, қабулга келган шахснинг мурожаатига тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди. 17 Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини



билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади. Профилактика инспекторларига мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тарикасида, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тегишли давлат органларига мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин. Профилактика инспекторлари қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Профилактика инспекторларининг қабулга келган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади. Профилактика инспекторлари қабулга келган шахсларнинг мурожаатини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан қўшимча ахборотни сўраб 18 олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт. Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, зарур ҳолларда, мурожаат жойининг ўзига бориб кўриб чиқилишини таъминлаши мумкин. Қабулга келган шахс ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқиш имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат этувчи келмаган тақдирда давлат органининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш имкони йўқлиги ҳақида жавоб юборади. Профилактика инспекторлари ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш



талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқади. Профилактика инспекторларига ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чоратадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақида мурожаат этувчига хабар қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибini сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар 19 органлари муҳим ўрин эгаллайди”⁷ деб таъкидлаб ўтди. Шундай долзарб ва масъулиятли вазифаларни замон талаби даражасида бажариш учун мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда. Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005- сонли Фармонидан: Тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмийлик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда. Бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибini ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмийлик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний



Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабр, № 247 (6682)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон 52 Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». ввв.лех.уз
3. Гулямов С.С. Задачи совершенствования системн корпоративного управления в Узбекистане. //Корпоративное управление в Узбекистане. Материалн научно-практической конференции. Т.: 2004. с.143-145;
4. Рахимова, Ш.Н. Зайнутдинов. Корпоратив бошқарув асослари. - Т.: Академия, 2006.- 47б.; Беркинов Б.Б. Корпоративное управление: сели и задачи /Народное слово 15.05. 2004 г.
5. Расулов Н. М. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида).08.00.13- “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2010. - 161 б.
6. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари (“Ўзбекенерго” Давлат аксиядорлик компанияси мисолида). Ихтисослик: 08.00.13 - “Менежмент ва маркетинг”. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2009. - 176 б 7. Хашимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларни ривожлантириш истиқболлари. - Т.: Фан, 2003. - 111 б.